



ЗАПУСТИТЬ СЕРВИС «ЦИФРОВОГО ПАСПОРТА» В СМАРТФОНЕ МОГУТ УЖЕ В ИЮЛЕ

5-бет.



ALIBABA БИРИНЧИ ЧОРАКНИ ЗАРАР БИЛАН ТУГАТДИ

6-бет.



LOCKDOWN ПАРОЛИНГИЗ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

8-бет.



ict.xabar.uz

Gazeta 1992-yil martdan chiqqa boshlagan

Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

22 (1548)-son
3-iyun
2022

@xabaruzofficial
facebook.com/xabar.uz/
@xabaruzofficial

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz

АЛОҚАЧИЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ




Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва тизимдаги бир қатор корхона ва ташкилотлар ходимлари Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдўстлик ташкилотининг Вазирлар Кенгаши томонидан юқори даражали унвонлар билан тақдирланди.

Шу муносабат билан Амйти университетида тантанали маросим ташкил этилди. Унда АКТ вазири Шерзод Шерматов ҳам иштирок этди. Йиллар давомида ўз меҳнати билан халқаро майдонда Ўзбекистон ва МДХ давлатларининг манфаатларини ҳимоя қилиб келаётган вазирлик ва тизимдаги бир қатор корхона ва ташкилотлар вакилларига ушбу юқори даражали унвонлар топширилди.

ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРИ ЭНГ КЎП ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР

1. Facebook – 2,91 млрд.
2. YouTube – 2,56 млрд.
3. WhatsApp – 2,00 млрд.
4. Instagram – 1,47 млрд.
5. WeChat – 1,26 млрд.
6. TikTok – 1,00 млрд.



Манба: WeAreSocial, Hootsuite, 2022 й.

Tumaris.Tech лойиҳаси халқаро саммит фолиби бўлди



Швейцариянинг Женева шаҳрида 30 майдан 3 июнга қадар Ахборот жамияти бўйича бутунжаҳон саммити – World Summit on the Information Society Forum 2022 якуний ҳафтаси бўлиб ўтди.

Қувонарлиси, унда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Tumaris.Tech лойиҳаси Capacity building (“Салоҳиятни ошириш”) номинациясида голиб чиқиб, бош совринни қўлга киритди. Ушбу соврин Халқаро электралоқа иттифоқи бош котиби Хоулин Чжао томонидан топширилди.

Қайд этиш керакки, Tumaris.Tech – IT-Park Uzbekistan томонидан АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) билан ҳамкорликда амалга оширилаётган энг йирик лойиҳалардан бири. У 2020 йил июл ойида ишга туширилган.

Tumaris.Tech дастури аёлларнинг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Лойиҳа бир неча таркибий қисмлардан иборат. У аёлларнинг АКТ экотизимига жалб этили-

шини оширишга қаратилган бўлиб, BPO (Business Process Outsourcing)ни ривожлантиришдан тортиб, фрилансер сифатида ишлашни хоҳловчи аёлларга таълим бериш, стартапларни ривожлантириш ва инвестициялар бўйича тренингларгача бўлган йўналишларни ўз ичига олади.

Икки йил ичида лойиҳа 30та стартап кўринишида ўз самарасини берди ва 200дан ортиқ қизлар IT соҳасида таълим олиш имкониятига эга бўлди. Ҳозирда лойиҳа Марказий Осиё бўйлаб кенгаймоқда, эндиликда Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон вакиллари ҳам Tumaris.Tech дастурларида иштирок этишлари мумкин.

Маълумот учун: 2012 йилдан бошлаб БМТ агентликлари ва халқаро ташкилотлар – БМТ YIK, UNESCO, UNICEF, ЖССТ иштирокида WSIS доирасида

ҳар йили мамлакатлар, шаҳарлар ва минтақалар ўртасида ижтимоий аҳамиятга эга IT хизматларини яратишда эришилган ютуқларига бағишланган WSIS Prizes танлови ўтказиб келинмоқда. WSIS Prizes мукофотида бутун дунё бўйлаб ижтимоий ва иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш мақсадида АКТ салоҳиятини ишга солувчи кўзга кўринган лойиҳалар 18та номинация бўйича лойиқ кўрилади.

World Summit on the Information Society Forum 2022 15 март куни виртуал форматда ўз ишини бошлаган эди, якуний ҳафталиги Женевада бўлиб ўтди. “АКТ: фаровонлик, инклюзивлик ва барқарорлик учун. Барқарор ривожланиш мақсадлари йўлида WSIS доирасидаги ҳамкорлик”ни шиор қилган бу йилги WSIS 2022 форумида дунёнинг 70дан ортиқ давлати иштирок этди.



Жумадан жумагача

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 26 май куни ҳудудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари ташкил қилиш, уларни зарур инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 май куни Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг йиғилишида ташкилот ҳузуридаги қузатувчи давлат раҳбари сифатида иштирок этди. Президентимиз Ўзбекистон ва ЕОИИ мамлакатлари ўртасидаги савдода техник тўсиқларни бартараф этишни давом эттириш ва сертификатлаштиришни ўзаро тан олишга чақирди. Бу товарларнинг бозорларимизга кириб боришини анча соддалаштиришга хизмат қилади.

28 май куни Тошкент мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма олтинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан 11та масала, шу жумладан, 5та қонун муҳокама этилди.

Жорий йилнинг 30 май куни Душанбе шаҳрида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Тожикистон Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода бошчилигида ўтган мажлисда Давлатларимиз раҳбарларининг оқилона ва узоқни кўзлаб юритаётган сиёсати туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик бугунги кунда бутунлай янги босқичга кўтарилгани, Олий даражадаги ўзаро ташрифлар кўп кирди ҳамкорликнинг янги йўналишларини очаятгани алоҳида таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 31 май куни аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон 2 июн куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Тошкент халқаро аэропортида уни Президент Шавкат Мирзиёев кутиб олди. Етакчилар ўртасида қисқа суҳбат бўлиб ўтди. Тожикистон Президентининг мамлакатимизга ташрифи давом этмоқда.



Ўзбекистон-Қувайт: АКТ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов Қувайт давлатининг Ўзбекистондаги Фавқулудда ва мухтор элчиси Аҳмад Халид ал-Жийрон билан учрашув ўтказди.

Унда икки томонлама ҳамкорлик, Ўзбекистон ва Қувайт давлатлари ўртасида ўзаро ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, шунингдек, электрон ҳукумат, рақамли иқтисодиёт,

IT-таълим соҳаларида ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича истиқболли йўналишлар кўриб чиқилди.

Қувайт давлати қатор йўналишларда сезиларли ютуқларга эришаётгани, шу билан бирга, ахборот-коммуникация технологиялари ва электрон ҳукумат соҳаларида эришган натижалари, ортирган тажрибалари аҳамиятли эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, Қувайт давлати элчиси Ўзбекистонда электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт


соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларга ижобий баҳо бериб, АКТ соҳасида мамлакатда амалга оширилаётган ишлар диққатга сазоворлигини маълум қилди.

Учрашув давомида томонлар ахборот технологиялари соҳасида Ўзбекистон ва Қувайт ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича улкан салоҳият мавжудлигини ҳамда бу борада барча саъй-ҳаракатларни сафарбар этишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Киберспорт

СОВРИН ЖАМҒАРМАСИ 200 МИЛЛИОН СЎМЛИК ТУРНИР ЎТКАЗИЛДИ

Тошкент шаҳри ИНҲА университети 30 май – 2 июн кунлари ШХТ саммити доирасида аъзо давлатлар ўртасида киберспорт бўйича ўтказилган SCO STUDENTS CUP плей офф босқичи ва финалига мезбонлик қилди.



халқаро турнирининг очилиш маросимида АКТ вазири

Тадбир IT-Парк томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон киберспорт ассоциацияси кўмагида ва ИНҲА университети билан ҳамкорликда ташкил этилди.

SCO Students cup

Шерзод Шерматов нутқ сўзлади. У сўнгги йилларда юртимизда ахборот технологиялари соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани, шулар қаторида Киберспорт ривожини учун ҳам етарлича шароитлар яратиб берилётганини таъкидлаб, ушбу халқаро турнирда иштирок этаётган жамоаларга муваффақиятлар тилади.

CS: GO va DOTA 2 бўйича турнирларда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Россия каби мамлакатлардан жами 50та жамоа иштирок этди. Умуман олганда, турнир мингдан ортиқ киберспортчиларни қамраб олди.

Турнирнинг умумий соврин жамғармаси 200 миллион сўмни ташкил қилди. Улардан ҳар бир интизом бўйича ғолибларга 50 миллион сўмдан, 2-ўринни эгаллаган жамоаларга 30 миллион сўмдан, якуний жадвалнинг 3 ва 4-қаторларида жойлашган жамоаларга 10 миллион сўмдан берилди.

CS: GO va DOTA 2 ғолиб жамоаларини тақдирлаш маросими 2 июн куни бўлиб ўтди.

ФИЛИАЛДА “ЁШЛАР ОЙЛИГИ” ТАРАДДУДЛАРИ

МУҲАММАД АЛ-ХО-РАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИДА “ЁШЛАР ОЙЛИГИ” ЯҚИНЛАШГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИҚТИДОРЛИ ВА ЗУККО ТАЛАБА ЁШЛАР ЎРТАСИДА “ЗАКОВАТ” ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҲАФТАЛИКЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 20 январдаги “Заковат” интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Қарорда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида интеллектуал соғлом рақобатни юзага келтириш, уларнинг билимга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, республиканинг турли ҳудудларида таҳсил олаётган заковатли ёшлар учун фикр алмашиш имкониятини яратиш, олий таълим муассасаларида интеллектуал тўғрараклар фаолиятини ривожлантириш ҳамда ёшлар орасида китобхонликни тарғиб

қилиш мақсадида “Интеллектуал ҳафталик” ташкил этиш кўрсатиб ўтилган.

Талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳамда уларнинг қизиқиш ва ташаббусларидан келиб чиққан ҳолда компьютер инжиниринг ҳамда телекоммуникация технологиялари ва касб таълими факултетлари ёшлари жамоалари ўртасида ташкил этилган ушбу турнир қизгин ва кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Унда ҳар иккала факултетнинг барча заковатга ишқибоз талаба ёшлари фаол иштирок этди.

Тадбирни тайёрлаш, ташкил этиш ва уни кўнгилли ўтказиш жараёнида ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосарлари Б. Маманазаров ҳамда У.Нармуродов ўзларининг раҳбарлик маҳоратларини намойиш қилдилар.

Шунингдек, филиал Хотин-қизлар масалалари бўйича директор маслаҳатчиси Дилафруз Фаттаева ҳамда факултетлар кесимида хотин қизлар бўйича декан маслаҳатчилари томонидан филиал Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўлими билан ҳамкорликда филиал талаба қизлар ўртасида “Қувноқ стартлар” мусобақасига старт берилди.

“Соғлом турмуш тарафдоримиз” шиори остида ташкил этилган ушбу тадбир филиалнинг Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Фаррух Усмоновнинг тантанали очиб бериши билан бошланди.

Шундан сўнг филиал спорт залида беллашув бошланди. Мусобақалар уч босқичда ўтказилиб,

иштирокчилар баскетбол, волейбол ва стол тенниси каби спорт турлари бўйича жисмоний синовлардан ўтишди. Улар малакали ҳакамлар томонидан баҳоланиб борилди.

Беллашувларда филиал профессор-ўқитувчиларидан Зулфия Рўзиева, Умида Шарипова, Сайёра Искандарова, Лола Ашурова, Гўзал Примовалар ўзларининг касбий йўналишлари билан бир вақтда, маҳоратли спорт устаси эканликларини намойиш этди.

Тадбир сўнггида филиал директори Зайнидин Қаршиев ғолибликни қўлга киритган жамоалар ва ходимларни диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирлади.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
ТАТУ Самарқанд филиали
матбуот котиби

Ўқув машғулотлари

ЭМММда ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ ТАДБИРЛАРИ

“Электромагнит мослашув маркази” ДУКнинг марказий биносида “Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазият ва диверсион-террористик ҳаракатлар оқибатларини бартараф этиш, ҳамда бошқарув органлари ва ҳамкорликдаги хизматлар билан ҳаракатини тақомиллаштириш” мавзусида тегишли ваколатли органлар билан ҳамкорликда фуқаро муҳофазаси бўйича махсус-тактик ўқув машғулотлари ўтказилди.

Мазкур ўқув машғулотнинг асосий мақсадлари:

- хабар бериш тизимини тақомиллаштириш, бошқарув органлари ва фуқаро муҳофазаси тузилмаларини йиғишни тўғри ташкил этиш;
- бошқарув органлари, кучи ва воситаларини табиий, техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиши;
- объектнинг фуқаро муҳофазаси тузилмалари вазифаларини мустақил равишда бажариш ва бошқа тузилмалар бўлинмалари билан ҳамжиҳатлик даражасини ошириш;
- “Электромагнит мослашув маркази” ДУК ходимларининг функционал вазифаларини амалий ўзлаштиришга, таҳдид ёки фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш ва уларнинг ҳаракатларини юқори савияга олиб қилиш;
- Фуқаро муҳофазаси бўлимлари шахсий таркибда юқори ахлоқий ва психологик фазилатларни ривожлантиришдан иборат.

Ўқув машғулотлари аввалида иштирокчилар тўқнаш келиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалар, авариялар, шикастланишлар ва ҳоказоларнинг олдини олиш учун хавфсизлик техникаси кўрсатмаларига қатъий риоя қилиниши бўйича йўриқнома билан таништирилди.

Иштирокчилар “ЭМММ” ДУК бино ва ҳудудларидан ходимларни, хавфсиз жойга эвакуация қилишга киришди. Эвакуация қилинаётганларни марказий бино ҳудудидан ташқарига олиб чиқишиб, хавфсиз жойда улар кўздан кечирилди, уларнинг сони ва ҳолати тўғрисида фуқаро муҳофазаси штабига хабар берилди. Жабрланувчиларни санитар пост ходимларига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун топширилди.

Шундан сўнг Тошкент шаҳар ФВБ ёнгин ўчириш бўлинмалари етиб келиб ўзларининг махсус техника, куч ва воситалари орқали объектда шартли ёнгинни ўчиришни ўз назоратига олишиб, тўлиқ бартараф этдилар.

Якуний босқичда фуқаро муҳофазаси шахсий таркиби иштирокчилари штаб олдида саф тортишди. Бажарилган ишлар муҳофама қилиниб, келгусида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш борасида муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Солижон ЗОИРОВ,
“Xabar” мухбири





Ёки CRM тизимларини жорий қилиш учун нималарни билиш керак?

Замонавий бозор бизга товар ва хизматларни танлашда чексиз имкониятларни тақдим этади. Муаммо шундаки, ҳозирда барча товарлар ва хизматлар тахминан бир хил. Уларнинг орасидаги муҳим фарқларни топиш жуда қийин ва кўпинча улар миқозни умуман безовта қилмайди.

Бундай шароитда рақобат кураши, айнақса, кескин тус олади. Янги миқозларни жалб қилиш катта пул талаб қилади, лекин улар жалб қилингандан сўнг, уларни сақлаб қолиши зарур. Миқозни мамнун қилиш ва у билан муваффақиятли ҳамда узоқ муддатли муносабатларни ўрнатиб лозим. Ҳеч бўлмаганда, компанияга мурожаат қилганидан ёки маҳсулот сотиб олганидан кейин норози бўлмаслигига ишонч ҳосил қилиш керак. Битта норози миқоз компанияни яна ўнлаб потенциал миқозлардан маҳрум қилиши мумкин. Хўш, қандай қилиб миқоз билан яхши муносабатларни ўрнатиш керак? Қай тарзда уни сақлаб қолиш ва рақобатда ютиб чиқиш лозим? Маҳсулотни қайта сотиб олиши учун уни қандай қизиқтириш керак?

CRM тизимини жорий этиш ушбу муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Шунинг таъкидлаш керакки, тизимини жорий этишнинг ўзи сеҳрли таъқчага айланмайди, унинг ҳаракати билан миқозлар дарҳол қониқиш ҳосил қилиб, бутун компаниянгизга ёки хусусан маҳсулотга содиқ бўлиб қолмайди. CRM ўзлаштирилиши керак бўлган воситадир.

CRM тизимлари – миқозлар ва транзакциялар тўғрисидаги маълумотларни тартибга солиди, миқоз билан ўзаро муносабатлар тарихини сақлайди, барча хатлар ва қўнғироқлар ёзувларини тизимлаштиради ва ишни автоматлаштиради: шаблон бўйича ҳужжатлар ва ҳисоботларни яратади, вазифаларни белгилайди, муддатлар ҳақида огоҳлантиради ва бошқалар.

Ҳозирги вақтда ҳар қандай компанияда замонавий CRM тизимларини жорий қилиш зарурати мавжуд. Кўпгина ташкилотлар CRMни татбиқ этиш бўйича ўз ечимларини тақлиф қилишади. Ҳар бир компания раҳбари олдида қайси CRM тизимини танлаш кераклиги ҳақида оғир савол туғилади. Бунинг сабаби шундаки, биз (компания раҳбари ва ишчилари) CRM тизими ҳақида ҳеч нарсаи тушунмаётганимизни тан олишдан уяламиз. Бу массалани муваффақиятли

амалга ошириш сири оддий ва тушунарли: гапириш, сўраш, аниқлаш, оддий саволлар ва фикрлардан уялмаслик зарур – баъзида буларнинг орқасида энг керакли ва ягона муҳим жавоб яширинган бўлади.

Компанияда CRM тизимини жорий этиш учун даставвал бир нечта саволга жавоб топиш талаб этилади.

■ **Биринчи савол.** Сиз ишлаб чиқувчимисиз ёки ишлаб чиқувчи ҳамкормисиз?

Мазкур саволга жавоб одатда учта асосий вариантдан иборат бўлади:

- CRM тизимини ишлаб чиқувчилар – тўғридан тўғри CRMни ўйлаб топган ва ишлаб чиққан компаниялар. Улар юқори сифатли қайта кўриб чиқиш, энг малакали техник ёрдам кўрсатиш ва ваколатли ҳужжатларни топширишга қодир.

✓ **технологик маълумотга эга бўлган CRM тизимини ишлаб чиқувчиларнинг ҳамкорлари** – асосий ечим учун ўз конфигурацияларини яратадиган, қалит таслим асосида амалга оширадиган ва юқори сифатли ёрдам кўрсатадиган кучли эксперт компаниялар. Улар тижорат тақлифидида хизматларнинг максимал сонини белгилашга ҳаракат қилишади, чунки бу уларнинг бевосита даромадидир. Улар барча саволларга жавоб берадилар, амалга ошириш амалиётлари билан бўлишадилар, тақдимотларда хато қилмайдилар. Хавфлардан: ортиқча нархлар, кераксиз хизматлар ва CRM провайдерни билан шартномани бекор қилиш хавфи.

✓ **ҳар қандай бэкграундга эга CRM тизимини ишлаб чиқувчиларнинг ҳамкорлари** – амалга ошириш хизматлари орқали пул ишловчи компаниялар (одатда соғлаш ва такомиллаштиришчи маслаҳат беришдан иборат). Одатда булар “Биз ҳақимизда” узоқ тақдимотлари, мукамал савдо усуллари ва бенуқсон ширин мулоқот услубига эга бўлган энг ёрқин суҳбатдошлардир.

■ **Аниқланиши керак бўлган иккинчи савол.** Мавжуд маълумотларни қандай импорт қилишим мумкин?

Амалга оширишнинг асосий вазифаларидан бири маълумотларни ёски маълумотлар базаларидан янгисига кўчиришдир. Баъзан, бу фақат ҳодимларнинг қўллари ва кучлари билан амалга оширилиши мумкин, лекин кўпинча жадваллардан ёки бошқа тизимлардан маълумотларни узатишни автоматлаштириш мумкин.

■ **Учинчи савол.** CRM тизимида

маълумотлар базаси қаерда сақланади?

Таъриба шуни кўрсатадики, маълумотларни сақлаш жойи биз тасаввур қилганимиздан ҳам муҳимроқдир. Булутли тизимларнинг хавфсизлиги ҳақида доимо саволлар бўлган, аммо ҳозирда бозорда даҳшатли ҳолатлар мавжуд: масалан, маълумотлар базалари билан бир вақтда хизматларнинг ўчирилиши, маълумотлар базалари ва хорижий сотувчилар томонидан захира нусхаларини беришдан бош тортиш, маълумотларни олиш учун энг қисқа вақтни ажратиш ва бошқалар. Шунинг учун, дарҳол ўзингизнинг маълумотларингиз сизга қанчалик очик бўлишини аниқлашингиз керак.

✓ **Агар маълумотлар булутда сақланган бўлса, сиз унинг умумий ёки шахсий эканлигини, маълумотларни сақлаш билан қайси оператор ишлашини, қандай хатоликларга чидамлигини, серверлар географик жойлашувини, захира нусхалари қандай амалга оширилишини ва улар қаерда эканлигини тушунишингиз керак.**

✓ **Агар маълумотлар серверингизда сақланган бўлса, серверга қўйиладиган талабларни, шунингдек, сиз ижарага олган VPSда маълумотларни жойлаштириш имкониятини белгиланг.**

■ **Тўртинчи савол.** CRMга ким эгали қилади?

Кўринишидан, биз пулга сотиб олган ҳамма нарса қандайдир тарзда ўзимизники бўлиши керак. Аммо расмий равишда бу ҳар доим ҳам шундай эмас. Агар сиз доимий лицензияларни сотиб олсангиз, CRM сизга тегишли. Тизимдан (SaaS) фойдаланиш ҳуқуқига обуна сотиб олган тақдирда, у сизга тегишли эмас, сиз ундан фақат олдиндан тўланган обуна даврида фойдаланасиз.

■ **Бешинчи савол.** Маълумотлар хавфсизлиги қандай таъминланади?

Сиз маълумотлар хавфсизлиги билан боғлиқ ҳавотирларингизни билдиришингиз ва қандай ҳимоя чоралари мавжудлигини сўрашингиз керак. Сотувчи сизнинг эҳтиёжларингиз учун индивидуал ечимга эга бўлиши мумкин, аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам қуйидагилар бўлиши керак:

✓ **паролни киритиш ёки икки факторли аутентификация;**

✓ **фойдаланувчилар тизимга киришлари мумкин бўлган оқ IP-манзиллар рўйхати;**

✓ **кириш ҳуқуқини ходимнинг ролига қараб ажратиш;**

✓ **ҳаракатларни CRMда қайд этиш ва журнални сақлаш.**

Агар сизга хавфсизлик учинчи томон ечими (плагин ёки ўрнатилган тизим) томонидан таъминланганлиги айтилса, эҳтиёт бўлинг: сотувчи учинчи томон дастурлари учун жавобгар эмас ва сиз кўшимча заиф ҳаволани оласиз. Шунинг учун, сотиб олишдан олдин, хавфсизлик биринчи навбатда сиз танлаган маълумотларни сақлаш моделига ва қурилган IT-архитектурасига боғлиқлигини аниқ тушунишингиз керак.

■ **Олтинчи савол.** Техник ёрдам қандай ташкил этилган?

CRM тизимини техник қўллаб-қувватлаш бошқа бизнеснинг узлуксиз ишлаши учун жавобгардир, шунинг учун у юқори сифатли бўлиши керак, яъни тез ва пулик (устивор қўллаб-қувватлаш линияси) ёки бепул, бироқ секин.

■ **Еттинчи савол.** CRM қанчалик кенгайтирилиши мумкин?

CRM сизга керакли ёзувлар сонини бажара оладими ёки йўқми, янги ходимларни қўшиш қанчалик осон ва у қанчалик тез ишлашини билиб олинг.

■ **Саккизинчи савол.** Янги ланишлар қандай ташкил этилган?

Янги ланишлар CRM тизими доимий равишда ривожланиб бораётганидан далолат беради ва сотувчи унинг ривожланишининг ҳаётийлиги ва долзарблигига сармоя кириштишга тайёр.

■ **Тўққизинчи савол.** CRMда қандай интеграциялар мавжуд?

Кўпгина CRM ишлаб чиқувчилари компания эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун кўплаб функцияларни битта ечимда бирлаштириб, тизимнинг универсаллигига интилишади. Бироқ, баъзи модулларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ эмас – ахир, улар тайёр, тасдиқланган ва мукамал бирлаштирилган.

Ва энг муҳими, ҳеч қандай CRM тизими (ҳар қандай бизнес дастури каби) биринчи дақиқадан бошлаб фойдаланувчиларга қулай бўлмайди.

Ушбу саволларга жавоб топган компания раҳбари ўз танловига ишонч ҳосил қилади.

Алишер РАҲИМОВ,
“Ахборот технологиялари ва ахборот ресурсларини ривожлантириш маркази” ДУК норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи

ПОДПИСАН МЕМОРАНДУМ МЕЖДУ МИНИСТЕРСТВОМ ИКТ И НИИЭТ КОРЕИ



развитие цифровизации в Узбекистане, развитие искусственного интеллекта и дальнейшее сотрудничество в сфере ИКТ.

ЗАПУСТИТЬ СЕРВИС «ЦИФРОВОГО ПАСПОРТА» В СМАРТФОНЕ МОГУТ УЖЕ В ИЮЛЕ



Мининфоком подготовил законопроект о создании «цифрового паспорта гражданина» в формате мобильного приложения.

Документ, опубликованный на портале СОБАЗ, предлагает провести в Ташкенте эксперимент. В его рамках госучреждения, банки, страховые компании, ж/д и авиакассы, гостиницы и другие организации откажутся от обязательного требования бумажных удостоверений личности.

Вместо них можно будет предъявлять их цифровые версии в специальном приложении OneID Mobile. По юридической силе они будут равны своим физическим аналогам.

Через приложение предлагается сделать доступными следующие документы:

- паспорт гражданина Узбекистана;
- национальное водительское удостоверение;
- свидетельство о регистрации транспортного средства;

- свидетельство о рождении;
- свидетельство о регистрации брака;
- сертификат о вакцинации от COVID-19;
- кадастровый паспорт;
- диплом о высшем образовании;
- аттестат об окончании среднеобразовательного учреждения.


Пользоваться OneID Mobile смогут граждане Узбекистана, достигшие 16 лет и получившие удостоверение личности. Для проверки подлинности сведений будет использоваться QR-код, генерируемый в приложении.

Интернет-трафик, используемый OneID Mobile, не будет тарифицироваться операторами.

Эксперимент продлится с 15 июля 2022 по 1 декабря 2023 года. На основании результатов Мининфоком внедрит практику «цифрового паспорта» в остальных сферах и регионах Узбекистана.

Обсуждение законопроекта продолжается до 8 июня.

ОТКРЫТ ПРИЁМ ЗАЯВОК НА НОВУЮ ВОЛНУ ИНКУБАЦИИ И АКСЕЛЕРАЦИИ TUMARIS.TECH



Начинается приём заявок на онлайн-программы инкубации и акселерации Tumaris.Tech для женских стартапов из Центральной Азии. Об этом пишет пресс-служба IT Park.

Главная цель программ — поддержка развития технологических стартап-проектов, созданных женщинами, на разных этапах. В их рамках участники ждут:

- образовательные и стратегические сессии с международными экспертами;
- трекерство с обученными специалистами;
- курсы финансовой грамотности;
- воркшопы по ораторскому искусству и тайм-менеджменту;
- консультации по интересующим вопросам;

возможности нетворкинга среди стартап-сообщества.

Программы инкубации и акселерации начинаются 4 июля. Занятия рассчитаны на три месяца и будут проводиться в онлайн-режиме на русском языке. В конце программы участницы представят свои проекты инвесторам и крупным игрокам на Demo Day.

Создательницы лучших проектов получат приглашения на международную выставку стартап-проектов в Ташкенте. Также самые перспективные стартапы получают доступ к инвестиционной площадке, где смогут найти партнёров для реализации планов.

Регистрация на программы продлится до 26 июня.



В УЗБЕКИСТАНЕ ЗАРАБОТАЕТ ИНТЕГРАЦИОННАЯ ФИНТЕХ-ПЛАТФОРМА ДЛЯ БИЗНЕСА

UZCARD и группа компаний «Инно-тех» договорились о совместном использовании Универсальной интеграционной платформы в Узбекистане.

Стороны подписали соответствующее соглашение 26 мая в ходе международного ПЛАС-форума в Ташкенте. Проект будет уникальным для рынка Узбекистана и даст местным игрокам возможность эффективного развития в финтех-сфере.

Универсальная интеграционная платформа представляет собой экосистему для взаимодействия узбекистанских компаний и организаций в режиме одного окна. В неё входят все востребованные услуги, а участники смогут работать по общим правилам и стандартам.

В Узбекистане нет подобных решений, подчеркнул гендиректор UZCARD Фаррух Зияев. По его словам, сервис позволит компаниям Узбекистана гибко реагировать на пользовательские запросы в условиях быстро меняющегося рынка и требований бизнеса.

В США НА ФОНЕ ДЕФИЦИТА РАБОЧИХ ВЫРОС СПРОС НА ПРОМЫШЛЕННЫХ РОБОТОВ

Спрос на промышленных роботов в США в первом квартале увеличился на 40%. Это рекордный показатель роста, сообщает Wall Street Journal.



Объём заказов в 2021 году составил \$1,6 млрд., впервые после нескольких лет снижения показав рост — сразу на 22%. Интересу к робототехнике способствуют рост зарплат и нехватка работников, усугубляемая положением с COVID-19.


В предыдущие годы, когда приток рабочей силы был высоким, американские компании меньше интересовались роботизацией производств. США отставали от Японии, Южной Кореи и Германии по числу роботов на 10 000 работников.

Если прежде основную часть спроса для поставщиков роботов обеспечивали автопроизводители, то в 2020–2021 годах на них пришлось менее половины заказов. Зато увеличилась доля таких секторов, как фармацевтика и пищевая промышленность.

«Роботами всё проще пользоваться», — заявил глава американского подразделения японского производителя роботов Fanuc Майкл Чикко. — «Раньше компании думали, что автоматизация — это слишком дорого или слишком сложно».

АРМАНИСТОННИНГ ИЛК СУНЪИЙ ЙЎЛДОШИ ФАЗОГА ОЛИБ ЧИҚИЛДИ

2022 йилнинг 25 май куни Ереван вақти билан соат 22:35да АҚШнинг Канаверал космодромидан старт берилган SpaceX компаниясининг Falcon 9 ракетаи илк арман фазовий йўлдошини Ер орбитасига олиб чиқди.



Бош вазир Никол Пашиняннинг таъкидлашича, Арманистоннинг "Геосмос" давлат компанияси ва Испаниянинг Satlantiss компанияси ҳамкорлигида Кавказ мамлакатининг илк сунъий йўлдоши яратилган.

ХИАОМИ РАҲБАРИ ҚАЙСИ СМАРТФОНЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИ?

Хиаоми раҳбари Лэй Цзюнь Weibo (Хитой ижтимоий тармоғи)да ўзи фойдаланган смартфонларнинг суратларини жойлади — тўртта смартфон.



Цзюнь ўз постида шундай ёзди: "Эҳтимол пайқангандирсиз, Weiboда пост жойлашда ҳар хил смартфонларни ишлатаман. Баъзилар телефонларимни тез-тез алмаштиришимдан шубҳада. Аслида улар ёнимда, столимда турибди, шунчаки қайси бири қўлимга илашса, шунисини ишлатаман".

Цзюньнинг столидаги смартфонлар — Xiaomi 12, Xiaomi Mi 11 Ultra, Redmi Note 11T Pro ва Xiaomi Civi. Яъни ҳаммаси компаниянинг ўзи ишлаб чиққан смартфонлар.

CHROME ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРИ УЧУН ЯНГИ ХАВФ ПАЙДО БЎЛДИ

Red Canary компанияси Chrome браузеридан фойдаланувчилар учун янги



тахдид пайдо бўлганидан огоҳлантирди. Сўнгги ойларда бутун дунё бўйлаб ChromeLoader зарарли дастури фаоллашган, у Google браузерни созуламаларини шунчалик ўзгартириб ташлайдики, оқибатда қидирув натижалари қаторида шубҳали дастурлар, фирибгарлик акциялари, "катталар учун" сайтлар ва бошқа ножоиз контентларга ҳавола (линк)лар аралашиб чиқиб келади.

Қидирув натижаларини сохталаштирган хакерлар фойдаланувчиларни қайта манзиллаш орқали пул ишлашди: шериклик дастуридан ўз улушларини олиб туришди.

STARLINK ЭНДИ БАРЧА ҚИТЬАЛАРДА ИШЛАЙДИ



Starlinkнинг юқори тезлик ва кенг полосали интернетни бу борада муаммоли саналган ҳудудлар — Нигерия ва Мозамбикда ҳам хизмат кўрсатишни бошлади. Шу тариқа сунъий йўлдошли интернет Ер юзининг барча қиъталарига етиб борди.

Бироқ Африка давлатларида Starlink жуда оммалашиб кетиши сўроқ остида. Зеро, ойига 110 долларлик тўлов ва 600

долларлик тўпламни сотиб олиш ҳар қандай африкаликнинг ҳам чўнтағи кўтармаслиги тайин.

ALIBABA БИРИНЧИ ЧОРАКНИ ЗАРАР БИЛАН ТУГАТДИ

Alibaba 2022 йилнинг биринчи чорagini 2,9 миллиард доллар зарар билан якунлади. Бу бир йил аввал кўрилган зарардан 140 фоизга кўпдир. 31 мартда якунланган молиявий йил компанияга 7,4 миллиард доллар соф фойда келтирди, бу ўтган йилгидан уч баробар камдир.

Бош директор Дэниел Чжан паст натижаларни Хитойнинг айрим ҳудудларида жорий этилган қатъий карантин таъсири билан изоҳлади. Коронавирус оқибатида таъминот занжири узилган ва сотиб олиш фаоллиги пасайган.



Халқаро ҳаёт

ТУРКИЯНИНГ ХАЛҚАРО НОМИ ЎЗГАРДИ



Туркиянинг халқаро миқёсда тан олинган расмий номи Türkiye тарзида ёзиладиган бўлди. Мамлакат ташқи ишлар вазири Мавлуд Човушўғли бу борада БМТга расмий сўров йўллаганини маълум қилди.

Эндилқда халқаро миқёсдаги расмий ҳужжатларда Türkiye истилоҳи қўлланади, Turkey, Turkei, Turquie каби атамалардан воз кечилади.

МАЙМУН ЧЕЧАГИДАН БИРИНЧИ ЎЛИМ ҲОЛАТИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Маймун чечлагидан биринчи ўлим ҳолати Нигерияда қайд этилди. 29 май куни бу ҳақда мамлакат касалликлар профилактикаси ва назорати маркази (NCDC) баёнот берди.

"2022 йилнинг 29 май санасида мамлакатнинг 9 штатида 21та касалланиш ҳолати қайд этилди. Йўлдош касалликлар кузатишган, иммуносупрессив дориларни қабул қилган 40 ёшли бемор вафот этган", — дейилади хабарда.

ЖАР ИМО-ИШОРАЛАР ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИНИ БЕРДИ

Жанубий Африка Республикаси президенти Сирил Рамафоса мамлакат парламенти конституцияга киритган ўзгартишларни тасдиқлади, унга кўра, жанубий африкаликларнинг имо-ишоралар тили давлат тили мақомига эга бўлди.

ЖАР — давлат тиллари сони бўйича рекордчилардан саналади. Энди уларнинг сони 12 тага етди. Имо-ишоралар тилидан ташқари, африкаанс, инглиз, жанубий ндебеле, сото, шимоллий сото, свази, тсонга, тсвана, венда, коса ва зулу тиллари давлат тили мақомига эга. Қўшни Зимбабведа ҳам имо-ишоралар тили давлат тили ҳисобланади.

УКРАИНАНИ ТАРК ЭТГАНЛАР СОНИ 7 МИЛЛИОНГА ЯҚИНЛАШДИ

БМТнинг Қочқинлар масалалари бўйича олий комиссари бошқармаси маълумот беришича, Украинани жанговар ҳаракатлар бошланган 24 февралдан буён 6 801 987 киши тарк этган.

Украиналик қочқинларни қабул қилган мамлакатлар:

- Полша — 3 627 178
- Руминия — 989 357
- Россия — 971 417
- Венгрия — 682 594
- Молдова — 479 513
- Словакия — 461 164
- Беларус — 30 092

Статистикада фақат Украина билан чегарадош мамлакатлар кўрсатилган (кейинчалик бошқа мамлакатларга йўл олган қочқинлар ҳам бор).



Эълон!

"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АК АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Компания 2022 йил 29 июн куни акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади. Йиғилиш Тошкент шаҳри, Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уйда, компания маъмурий биносидан соат 11.00да ўтказилади. Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 10.00дан амалга оширилади.

Умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш.
2. Кузатув кенгашининг 2021 йил фаолияти ҳисоботи.
3. Компания Бош директорининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботи.
4. Компаниянинг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисобварағини тасдиқлаш.
5. Тафтиш комиссиясининг 2021 йил бўйича ҳисоботини эшитиш.
6. 2021 йил якуни бўйича ташқи аудит ҳулосасини эшитиш.
7. 2021 йил молия-ҳўжалик фаолияти якуни бўйича соф фойдани тақсимлаш.
8. "Матбуот тарқатувчи" АК Бош директорини сайлаш.
9. 2022 йилда мажбурий ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини белгилаш.
10. Компания аффилиланган шахслари билан келгусида компания томонидан кундалик ҳўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни маълумлаш тўғрисида.

ПЕШҚАДАМ АЛОҚАЧИ

Шофиркон туманидаги Назаробод қишлоғида туғилиб ўсган Рамазон Адизовнинг ёш қалбида алоқа соҳасида ишлаш орзу-истаги у ҳали ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ куртак ота бошлаган эди.

Мактабни битирди-ю ҳужжатларини ҳеч иккиланмай Тошкент алоқа политехникумига тошширди ва қабул имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб олди. Орадан уч йил ўтгач эса алоқа иншоотлари техниги мутахассислигини эгаллаган Р. Адизов Шофиркон тумани электралоқа корхонаси (ҳозирги туман телекоммуникациялар боғламаси)да 4-даражали электромонтёр сифатида иш фаолиятини бошлаб юборди.



– Меҳнат фаолиятининг дастлабки даврида менга илк сабоқни берган, тўғри йўл-йўриқ кўрсатган раҳматли устозларим – туман боғламасининг ўша пайтдаги муҳандислари Жаббор Бозоров, Амон Нарзуллаев, Ҳазрат Ҳайдаровларни асло унутмайман. Уларнинг пок руҳлари олдида мудом таъзимдаман, – дейди Рамазон Адизов.

Гарчи у телекоммуникация боғламасидаги хизмат тақозоси билан маълум муддат телеграфчи, кабел кавшарловчи, станция ва линия кабел иншоотлари участка бошлиғи, ТТБ етакчи муҳандиси вазифаларида ишлаган бўлса-да, фаолиятининг асосий қисмини ўзи меҳр қўйган электромонтёрлик касбига бағишлади. Шу касб туфайли жамоада обрў-эътибор қозонди, соҳа раҳбарияти назарига тушди.

– Боғламамизда бугунги кунда 27 нафар электромонтёр ишлайди, – дейди туман ТБ бошлиғи Акмал Ражабов. – Айниқса, 6-даражали электромонтёрлар зиммасида жуда катта масъулият бор.

ТТБ бошлиғи касб масъулиятини бежиз тилга олиб ўтгани йўқ, албатта 6-даражали электромонтёрнинг лавозим мажбуриятларини ўз ичи-

га олган бир қатор устувор вазифалари борки, уларнинг ўз муддатидаги ва сифатли ижросисиз жойларда алоқа хизмати кўрсатишда қутилган натижага эришиш қийин. Бугунги кунда туман ТБнинг станция иншоотлари гуруҳи 6-даражали электромонтёри бўлиб ишлаётган Рамазон Адизов ҳам, ушбу гуруҳ таркибида фаолият кўрсатиб келаётган, алоқа соҳасида узоқ йиллик иш тажрибасига эга Лайло Барноева ва бошқалар буни яхши билишади. Шу боис, ишга сидқидилдан ва астойдил ёндашишади. Кейинги пайтда коммутация қурилмаларида йиллик профилактик ишларни бажариш режасига биноан олиб борилаётган техник тадбирларда бирор бир камчилик ёки узилишга йўл қўйилгани йўқ. Фуқаро ҳимояси ускуналарини узлуксиз ва техник меъёрларда ишлашини таъминлаш, эҳтиёт қисмлардан тежамкорлик билан фойдаланиш, ҳар кунги 1084 ва 1086 хизматларига тушадиган шикастлишларни белгиланган муддатларда ҳудудий электромонтёрлар билан бирга тузатилишини назорат қилиш ва бошқа бир қатор ишлар станция иншоотлари гуруҳи электромонтёрлари зиммасидаги вазифалар-

дан ҳисобланади

Эътиборлиси, Рамазон Адизов ва меҳнатсевар сафдошлари ушбу вазифалар ижросига виждонан ёндашиб, туман марказидаги корхона-ташкilotлар ва аҳоли истиқомат жойларида сифатли алоқа хизматининг йўлга қўйилишига салмоқли ҳисса қўшиб келишмоқда. Ахборот технологиялари асрида эса алоқа хизмати кўрсатиш сифатининг давр талаблари даражасида бўлиши бугун ҳар қачонгидан кўра долзарб ва муҳим аҳамият касб этади.

– Жорий йилда нишонланган анъанавий касб байрами – Алоқачилар куни арафасида соҳанинг том маънодаги фидойи вакилларида бири Рамазон Адизовнинг аҳил оила аъзолари, ҳамкасб дўстлари ва барча яқинлари қалби чексиз қувончга тўлди. Мамлакатимиз алоқа тизимининг бир гуруҳ пешқадамлари қатори қутлуг сана муносабати билан ҳикоямиз қаҳрамони ҳам “Ўз касбининг устаси” белгиси билан тақдирланди. Бу хушxabардан, айниқса, Рамазон аканинг 86 ёшни қаршилаган падари бузруквори Изом ота қалбини фахр-ифтихор ва шукроналик ҳис-туйғулари камраб олгани рост. “Эл-юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин, – дейди отахон дуога қўл очаркан. – Мамлакатимизнинг турли соҳалари ранақи йўлида меҳнат қилаётганлар сафи тобора кенгайверсин”.

Она юртимиз – жонажон Ўзбекистонимиз Мустақиллигининг муборак 31 йиллиги арафасидаги бундай эзгу тилаклар шак-шубҳасиз ижобат бўлғусидир.

Асқар ИСТАМОВ,
“Хабар”нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

Назорат



МОБИЛ РЕПИТОР ҚУРИЛМАСИ ЭГАСИГА МАЪМУРИЙ ЧОРА ҚўЛЛанилди

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли кўчасида жойлашган “Медиапарк” бозорига радиоэлектрон восита (мобил репитор) ўрнатилган бўлиб, бу мобил алоқа компаниялари база станцияларининг сифатли ишлашига халақит қилиб келаётган эди.

“Электромагнит мослашув маркази” ДУК ҳамда “Ўзкомназорат” Тошкент шаҳар ҳудудий инспекцияси томонидан бир неча бор радиоэлектрон воситаси эгасига огоҳлантириш берилишига қарамай радиоҳалақитни бартараф этмай келган. Бу ҳолат мобил алоқа компаниялари база станцияларининг сифатли ишлашига халақит қилиб, абонентларнинг сифат бўйича мурожаатлари ортишига олиб келган.

Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича Республика Кенгашининг 2011 йил 11 июлдаги 256-сонли қарорига асосан, мобил репиторлар 500 мВт.гача бўлган қувватда бошқа радиоэлектрон қурилмаларга радиоҳалақит бермаслик ва бошқа радиоэлектрон воситаси аралашувидан ҳимояни талаб қилмаслик шарти билан ишлатишга рухсат этилган.

“Радиочастота спектри тўғрисида”ги қонунга биноан радиочастота спектридан фойдаланувчилари радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни белгиланган нормалар ҳамда қоидаларга мувофиқ лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш) ва ишлатишни амалга ошириш мажбуриятлари белгиланган. Қонунга кўра, аниқланган бузилишларни бартараф этиш тўғрисидаги огоҳлантириш чоралари етарли бўлмаган ҳолатда айбдор мансбдор шахслар ёки фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади.

Мобил репиторлар ўрнатиш ва ундан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини бузган, мобил алоқа сифатига халақит бераётган шахсга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 152-моддаси 1-қисмига биноан маъмурий жавобгарлик иши қўриб чиқилди.

Олимхўжа ҒАНИЕВ,
“Ўзкомназорат” Тошкент шаҳар ҳудудий инспекцияси бошлиғи

Эълонлар!

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 10 декабрдаги 188-ф-сонли фармойишига асосан “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳисоб рақамига 2022 йил 31 майда “Radioaloqa, radioeshittirish va televidenie markazi” ДУК томонидан 10 000,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушди. Мазкур маблаг “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2022 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.


Саттаров Абдурахман Джалиловичга 2021 йил 15 декабрда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Тошкент шаҳар транспорт бошқармаси томонидан берилган O‘zR № 007297 рақамли шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланиш Гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жамоаси Тошкент ахборот технологиялари университети профессори

Хайрулла АРИПОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



паролингиз хавфсизлигини таъминлайди

Хаммамиз маълум бир сабабларга кўра ўз телефонларимизни қулфлашга одатланганмиз ва бунда турли усуллардан фойдаланамиз, лекин бу чораларнинг ҳаммаси ҳам бошқалари каби хавфсиз эмас.

Масалан, юзни аниқлаш технологиясини алдаш сиз ўйлаганданда осонроқдир. Айнан шу усулда қулфланган смартфон бегона одамнинг қўлида тасодифан очилиб кетиш ҳолати кимлардадир содир бўлгани аниқ. Ёки кўпчилик фойдаланадиган бармоқ изи билан телефонни қулфлаш методи ҳам баъзан панд бериб қўйиши мумкин ва шу сабаб пайдо бўладиган кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш учун сизга “локдаун тартиби” керак бўлиши мумкин.

Androidни қулфлашдаги энг хавфсиз чоралар – бу пароллаш, PIN кодлаш ва нақшли қулфлаш усуллари. Локдаун тартиби ёқилганда эса юқорида унчалик хавфсиз эмас деб айтилган юзни, бармоқни аниқлаш технологиялари (ва агар ёқилган бўлса, Smart Lock ҳам ўчириб қўйилади) ва фақат нақшни чизиш ёки PIN кодни киритиш ёки паролни териш, қайси бири ўрнатилган бўлса, ўша билан телефонни очиш мумкин бўлади.

Локдаун тартиби Androidнинг тўққизинчи ёки ундан юқори бўлган версияларида мавжуд ва уни Samsung Galaxy смартфониди ёқиб унчун қўлидаги амалларни бажаришингиз керак:

■ Смартфонингиздан Settings (Созламалар) иловасига киришгач ёки экран юқорисини пастга тортиш билан пайдо

бўладиган панелнинг ўнг юқори бурчагидаги тишли ғилдирак иконкасини босинг.

■ Созламалар ичидан Lock Screen (Экранни қулфлаш) бўлимига ўтинг.

■ У ердан эса Secure lock settings (Хавфсиз қулф созламалари)ни очинг. Унга киришда сиздан жорий PIN код ёки нақш қўли ёки парол, қайси бирини ўрнатган бўлсангиз ўша сўралади.

■ Унга кирганингиздан кейин Show Lockdown option (Локдаун танловини кўрсатиш) функциясини ёқиб қўйинг.

Ана энди локдаун тартибини смартфоннинг ёқиш тугмасини босиб туриш билан чиқадиغان менюдан топишингиз ва ёқишингиз мумкин.

Аввал айтилганидек, локдаун тартиби аввалдан ўрнатилган юз ёки бармоқ изини аниқлаш, шунингдек, Smart Lock билан қулфдан очиладиган методларни ўчириб қўяди ва телефонни очиш учун нақшни чизиш ёки PIN кодни киритиш ёки паролни териш керак бўлади.

Эслатма: локдаун тартиби “бир марталик” бўлиб, телефон локдаундан очилганидан кейин у автоматик тарзда ўчиб қолади ва ундан яна фойдаланмоқчи бўлсангиз, уни ёқиш тугмасини босиб туриш орқали чиқадиغان менюдан қайта ёқишингиз керак.

Китоб жавонингизга

“МАШАҚҚАТЛИ СЎҚМОҚЛАР”

Техника фанлари номзоди, доцент, истефодаги подполковник Холиқ Соатов кўплаб илмий мақолалар, ўқув қўлланмалар муаллифи сифатида ўқувчиларга яхши таниш. Зарнигорий тахаллуси остида ижод қиладиган бу инсон бадиий адабиёт йўналишида ҳам кўплаб китоблар муаллифидир. Яқинда унинг “Машаққатли сўқмоқлар” деб номланган навбатдаги романи нашрдан чиқди.



Ушбу романда бир оиладаги фожеали ҳаёт тасвирланиб, ундаги болаларнинг қийин ёшликлари, атрофдагиларнинг меҳрибонликлари ҳақида ҳикоя қилинади. Чин етим қолган норасидаларнинг ўз ёрқин йўлини топишдаги ҳаракатлари тарихий воқеаликлар билан уйғунлаштирилган ҳолда баён қилинади. Бир вилоятнинг тўй маросимларидаги қизиқарли урф-одатлар тасвирланади. Асар қаҳрамонининг тинмай меҳнат қилиши, ўз устида ишлаши, олдинга интилишлари туфайли эришган ютуқлари тараннум этилиб, қақшатқич турмуш зарбасига учраши ҳам батафсил ёритилади.

Эслатиб ўтамай, Холиқ Соатовнинг шу кунгача чоп этилган “Тақдир сиртмоғи”, “Юлдузлар ёғдуси”, “Ғоялар шодаси” бадиий асарлари китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинган.

ДАФНА ЯПРОҒИ МАШИНА КАСАЛЛИГИДАН ХАЛОС БЎЛИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ



Кўпчилик одамлар машинада юрса, мазаси қочади, кўнгли айниди, боши айланади, умуман, шунақа касаллик аломатларини сеза бошлайди. Буни ҳал қилишнинг оддий йўли бор.

Автомобил касаллигидан сақланиш учун машинангизда дафна япроғини олиб юринг. Дафна япроғи бундай касалликка қарши курашда жуда фойдали, айниқса, узоқ йўлга чиққанда.

Япроқни шунчаки тил остига ташлаб олинг ва дарров ўзингизни яхши ҳис қиласиз. Бу усул ҳам қатталарга, ҳам болаларга бирдай қўл келади. Ярим йўлда тўхтаб, дорихона қидириб юришга ҳожат қолмайди.

<p>Xabar</p> <p>MU'ASSIS:</p> <p>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI</p> <p>Bosh muharrir: Abdug'ani ABDURAHMONOV</p>	<p>Tahrir Hay'ati: Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HASANOV, Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV, Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Usmonjon YO'LDOSHEV (Mas'ul kotib).</p>		<p>MANZILIMIZ:</p> <p>100000 Toshkent shahri, Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy (Mo'ljal Oloy bozori). Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31. Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz</p>									
	<p>Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda "Xabar" dan olinganligi ko'rsatilishi shart</p> <p>Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi. Bahosi kelishilgan narxda.</p>		<p>Obuna indeksi — 228.</p> <p>Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. Dizayner: Asliddin BO'RIYEV. Navbatchi: Usmonjon YO'LDOSHEV.</p>									
<p>Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro'yxatga olingan.</p>	<p>Gazeta haftaning juma kuni chiqadi</p>	<p>Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Buyuk Turok ko'chasi 41-uy.</p>	<p>Г-659 sonli buyurtma. Ofset usulida bosildi. Qo'g'oz bichimi A-3, hajmi 2 bosma taboq. Adadi: 3163</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Bosishga topshirildi — 17 °° Bosishga topshirish vaqti — 24 °°</p>								
<p>Viloyat muxbirlari:</p>	<p>Andijonda (74) 226-47-80</p>	<p>Buxoroda (99)854-7305</p>	<p>Jizzaxda (94) 199-95-64</p>	<p>Namanganda (91) 353-71-25</p>	<p>Navoiyda (79) 225-91-10</p>	<p>Nukusda 554-35-45</p>	<p>Samarqandda (91)557-84-44</p>	<p>Termizda (99)508-30-52</p>	<p>Toshkentda 234-18-59</p>	<p>Urganchda (97) 211-65-05</p>	<p>Farg'onada (73) 244-18-05</p>	<p>Qarshida (93)931-08-99</p>